



# Халқ сўзи

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 9 январь, № 5 (8628)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Хурматли прокуратура ходимлари!  
Мухтарам фахрийлар!

Аввало, сиз, азиз қонун посбонларини **8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кuni** билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Барчамиз яхши тушунамизки, бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга ошираётган барча ислохотларимизда қонун устуворлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

**Қонун ҳукмрон бўлган жамиятда албатта адолат, сиёсий-ижтимоий баркарорлик, иқтисодий ўсиш ва юксалиш бўлади, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади.**

Бундай муҳим мақсадларга эришишда прокуратура органлари ва ушбу тизимда хизмат қилаётган, ўз касби ва бурчига содиқ, ватанпарвар инсонларнинг роли катта эканини бугун алоҳида таъкидлашимиз ўринлидир.

Қадрли дўстлар!

Сизларга маълумки, сўнгги йилларда прокуратура соҳасини тубдан ислох этиш, бу борада очкилик ва адолатга асосланган, фуқаролар ва жамият манфаатига хизмат қиладиган, халқпарвар қарорлар қабул қилиш, ўз назарий ва амалий мактабига, фидойи ва профессионал ходимлар корпусига эга бўлган тизимни шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Эл-юртимизнинг Конституциямизда мустақамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда, қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда прокуратура органларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини чуқур ўрганиш ва ҳал

этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳа ходимларининг энг асосий ва қундалик вазифасига айланди.

Прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш фаолияти тубдан ўзгартирилди. Илгари қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва жазолашга асосий ўрин берилган бўлса, энди асосий эътибор бундай ҳолатларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилмоқда.

Энг муҳими, прокуратура тизими ҳам, одамларимизнинг унга нисбатан муносабати ҳам ўзгармоқда. Бугунги кунда эл-юртимиз прокуратура тимсолида “жазоловчи идора”ни эмас, балки аҳоли ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қўмаклашадиган, уларнинг дардига шерик, мададкор бўлишга ҳаракат қиладиган халқпарвар тузилмани кўрмоқда.

Буни кейинги етти йилда прокуратура органлари томонидан 2 миллионга яқин мурожаат ижобий ҳал этилиб, 300 мингдан ортиқ фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тиклангани, 148 мингга яқин тадбиркорларнинг муаммоларига ечим топилгани ҳам тасдиқлайди.

Қадрлар малакасини ошириш, шунингдек, тергов ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Бош прокуратура академияси негизда Ўзбекистон Республикаси **Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси** ташкил этилди.

Бугунги кунда **тадбиркорлик ва инвестиция, қурилиш йўналишларида, ер ресурсларидан фойдаланишда қонун бузилишининг олдини олиш, хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни тазйик ва эъравонликдан ҳимоя қилиш, ёқилғи-энергетика ва экология,**

**маданий мерос ва спорт соҳаларида** қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган самарали прокурор назорати тизими йўлга қўйилди ва ўз ижобий натижаларини бермоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан ўтган даврда 53 мингдан зиёд ҳуқуқбузарлик ва жиноятга чек қўйилди, давлат ва жамият манфаатларига етказилган 4,7 триллион сўм зарар ундирилди, 15 мингдан ортиқ шахснинг фаолиятига қонуний тус берилиб, уларнинг тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши таъминланди.

Прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюросининг ташкил этилиши ижро ишини юритиш бўйича мавжуд тартибсизликларга барҳам бериб, қатъий интизом ўрнатишга имкон яратди. Биргина ўтган йил давомида 36 триллион сўмлик суд ҳужжатларининг ижроси таъминланди.

Хурматли соҳа ходимлари!

Мамлакатимизда **“Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар”** деган эзгу таъмоил асосида қонунийликни таъминлаш борасидаги ишларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда ҳар бир прокуратура ходими бир ҳақиқатни чуқур англаб етиши зарур. Қачон одамларимиз ҳаётида хотиржамлик, рўзгориди фаровонлик ва ҳаловат бўлади, қачон уларда эртанги кунга ишонч ортади? Қачонки, юртимизда қонунлар қоғозда эмас, балки амалда қатъий бажарилган, ислохотлар ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳаллага кириб, юртдошларимиз уларнинг амалий самарасини ўз қундалик ҳаётида ҳис этган тақдирда бу мақсадга тўла эришиш мумкин.

Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликка қарши курашишга қаратилган дастурларимиз ижросини изчил ташкил этиш, атроф-муҳит,

табиий бойликлар ва маданий меросимизни қўз қорачигидек асраш, тиббиёт, таълим каби соҳалардаги ислохотларимизни давом эттириш ва бу борада қонун бузилишига мурасасиз бўлиш — прокуратура ходимларининг конституциявий бурчи ва энг асосий вазифасидир. Буни ҳеч ким унутмаслиги керак. Аминманки, юртимизда **коррупция иллатига қарши курашиш жараёни умумхалқ ҳаракатида айланаётган бугунги кунда прокуратура ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатиб, ўз ташаббуслари билан барчага намуна бўладилар.**

Ана шу мақсадларда прокуратура органлари фаолиятига илгор иш услубларини ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, қонунлар ижроси устидан назорат механизмларини мунтазам такомиллаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва тергов ишига замонавий илм-фан ҳамда амалиёт ютуқларини татбиқ этиш, ходимларнинг билим даражаси ва маънавий-маърифий савиясини ошириш, уларнинг фидокорона меҳнатини муносиб қадрлаш келгусида ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Ишончим комил, прокуратура ходимлари **қонун ҳимояси — бу халқ ва Ватан ҳимояси каби муқаддас бурч** эканини чуқур англаб, зиммаларидаги ғоят масъулиятли ва шарафли вазифани бундан буён ҳам самарали адо этадилар.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан қўтлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш йўлидаги ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## БАНДЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК СОҲАЛАРИДАГИ ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 8 январь кuni аҳоли бандлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартиришга оид таклифлар тақдими билан танишди.**

Расмий статистикага кўра, юртимизда ишсизлар сони 1 миллион 300 минг нафарни ташкил қилади. Бу йил яна 2 миллион 400 минг аҳоли меҳнат бозорига кириб келади.

Шуларни инобатга олиб, сифатли ва юқори даромадли иш ўринлари ҳисобига жорий йилда 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсад қилинган. Жумладан, хизматлар соҳасида 2,5 миллион, қишлоқ ҳўжалигида 2,1 миллион, инвестиция лойиҳалари ва саноатда 250 минг, қурилишда 140 минг иш жойи яратиш имконияти бор.

Бундан ташқари, замонавий молиявий инструментлар, жумладан, микромолиялашнинг янги тизимини кенг жорий қилиш орқали 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Тақдиротда мутасаддилар 2024 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш дастури бўйича ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари бу дастури маъқуллаб, уни амалга ошириш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

Сўнгги йилларда 2 миллион 400 минг аҳоли ўзини ўзи банд қилгани таъкидланиб, энди уларнинг фаолиятини кенгайтириш, босқичма-босқич кичик бизнесга ўтказиш ва бозор топишига қўмаклашиш муҳимлиги айтилди. “Менинг бизнесим” платформаси, “Бизнеса биринчи қадам” банк карталари жорий этилиши бунинг учун қулайлик яратди.

Иқтисодий айланмага киритилмаган ерларни инфратузилмага улаш, лойиҳаларни ишга тушириш учун ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди. “Агрегатор” тизими асосида “100 минг экспортчи деҳқон” дастури жорий қилиниб, бу йил

15 минг гектар ер майдонлари аукционга чиқарилиши белгиланди.

Меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларни касбхунарга ўқитиш, ижтимоий реестрдаги фуқароларни ишга олган корхоналарга солиқ бўйича енгилликлар қўллаш муҳимлиги ҳам айтиб ўтилди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига янги иш ўринлари яратиш бўйича қўшимча захира ва имкониятларни аниқлаш вазифаси қўйилди.

Тақдиротда тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш тартибини соддалаштиришга оид таклифлар ҳам қўриб чиқилди.

Маълумки, бу йил юртимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди. Бизнесни юритиш учун янада қулай шaroитлар яратиш мақсад қилинган.

Айтиш жоизки, шу пайтгача тадбиркорлардан мавжуд маълумотларни қўшимча равишда талаб қилиш ҳолатлари бор эди. Жорий йилдан бошлаб 34 турдаги ҳисоботлар бекор қилинмоқда. Бунинг натижасида ҳар йили 21 мингдан ортиқ тадбиркорларнинг 500 миллион сўм харажати тежалди. Ўзи, умуман, тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботларнинг ягона рўйхати тасдиқланмаган. Шу боис давлатимиз раҳбари ягона ҳисоботлар тизимини жорий қилиш бўйича топшириқ берди.

Шунингдек, тадбиркорларга мажбурий талабларни қисқартириш мақсадида 16 та лицензия ва рухсатномани бекор қилиш лозимлиги белгиланди.

Бу борада берилгаётган енгилликларни тадбиркорларга етказиш, уларнинг таклифларини доимий ўрганиб, статистик ҳисоботларни янада мақбуллаштириб бориш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

### Биз ва жаҳон

## Анқарада жаҳид боболаримиз меросига бағишланган конференция ўтказилди

Анқара шаҳридаги Ижтимоий фанлар университетида “Жаҳидлар изидан: тилда, фикрда ва ишда бирлик” мавзунда маънавий-маърифий конференция уюштирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 декабрь кuni Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йилгилишида белгиланган вазифалар ижроси доирасида ташкил этилган мазкур тадбир мамлакатимиз элчиҳонаси томонидан Туркий дунё муҳандиси ва меъморлар уюшмаси билан биргаликда уюштирилди.

Анжуманда Туркистон ўлкасида фаол бўлган жаҳидчилик ҳаракатининг етакчилари, уларнинг тари-

ҳимизда тутган ўрни, тарихий ва замонавий ўзбек давлатчилигининг ривожланиш босқичлари, миллий-маънавий кадриятларимиз ва таълим-тарбия соҳасига қўшган улкан ҳиссалари ҳақида фикр алмашилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда буюк маърифатпарвар боболаримиз гоҳларини ўрганиш ва тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

➡ 3

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз прокуратура органларидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, юртимизда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Мардлик» ордени билан

**Аминов Шоҳрух Азаматович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари  
**Ҳамдамов Улуғбек Аслонович** — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар прокурори

### «Дўстлик» ордени билан

**Ерниязова Венера Тажетдиновна** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи ўринбосари

### «Жасорат» медали билан

**Абдилазизов Давронбек Махмуджонович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Андижон вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари  
**Буронов Нурбек Эркинович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Самарқанд вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Болтаев Ҳалим Хусанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи  
**Муратов Жаҳонгир Дилшатович** — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани прокурори  
**Сайфуллоев Эркин Худойёрович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Навоий вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари  
**Файзиев Ваҳоб Камолович** — Бухоро вилояти Когон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

### «Шуҳрат» медали билан

**Абдуҳакимов Муродулло Тоғаевич** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи  
**Каримов Хуршид Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси кафедра бошлиғи  
**Қодиоров Абдумўмин Абдумажит ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Сурхондарё вилояти Шеробод тумани бўлими давлат ижрочиси  
**Ташпулатов Хуршид Сабирижанович** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлими бошлиғи  
**Хабилжонов Улуғбек Хабилжон ўғли** — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар прокурори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2024 йил 8 январь

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.



Тинч ва осойишта яшаш, эзгу орзу-умидлар сари дадил интилиш ҳар бир инсон учун энг катта неъмат. Айниқса, бугунги глобаллашув жараёнида дунёга бир назар солиб, авж олаётган турли нотинчликларни қўриб, оммавий ахборот воситалари орқали бевосита кузатиб, юртимиз тинчлигига, халқимиз фаровонлигига шукрона келтирамиз, албатта.

### Тадбир

Мана шу осойишталигу хотиржамликни сақлашда жасорат намуналарини кўрсатиб, туну кун меҳнат қилаётган ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари, қолаверса, жамиятда қонун устуворлигини таъминловчи Ватан посбонлари меҳнати эса шак-шубҳасиз эътирофу эъзозга муносибдир. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкил топганининг 32 йиллиги ҳамда 8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунига бағишланган байрам тадбири

бўлиб ўтди. Дастлаб Давлат мадҳияси янгради.

Президент Администрацияси, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси дераалар ходимлари, қолаверса, прокуратура органлари ходимлари ва фахрийлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар қатнашган ушбу тантанали тадбирда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари ва фахрийлари йўлидаги табригини Президент маснаҳатчиси Дониёр Қодиоров ўқиб эшиттирди.

Табриқда айтилганидек, сўнгги йилларда прокуратура соҳасини тубдан ислох этиш, бу борада очкилик ва адолатга асосланган, фуқаролар ва жамият манфаатига хизмат қиладиган, халқпарвар қарорлар чиқариш, ўз назарий ва амалий мактабига, фидойи ва профессионал ходимлар корпусига эга бўлган тизимни шакллантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг Бош қомусимизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ҳамда эркинларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда прокуратура органларининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, одамлар билан эркин мулоқотга киришиш, уларнинг муаммоларини ўрганиб, жойида ҳал этиш тизим фаолларининг энг асосий вазифасига айланди, десак, айна ҳақиқат.

➡ 2



# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ



**1** Бугун прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш фаолияти тубдан ўзгартирилди. Авваллари қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва жазолашга катта урғу бе-

рилган бўлса, энди асосий эътибор бундай ҳолатларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бар- тараф этишга қаратилаётди. Бу эса ишда самарадорлик ва натижадорликни янада оширмоқда.

Қолаверса, кейинги йилларда прокуратура тизими “жазолловчи идора” эмас, балки аҳоли ҳамда тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қўмаклашадиган ҳақиқий маънодаги “халқ прокуратураси”га айланмоқда.

Тахлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, охириг етти йилда прокуратура органлари томонидан 2 миллионга яқин мурожаатлар ижобий ҳал этилиб, 300 мингдан зиёд фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган. Айни чоғда қарийб 148 минг тадбиркорнинг муаммоларига ечим топилган. Шу билан бирга, прокурорларнинг меҳнатлари билан секторлардаги 163 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилаларга ҳар томонлама қўмак кўрсатилди. Натижада ҳаётда ўз йўлини тоналгани боис қисқа муддатда мазкур оилаларнинг қарийб 96 фоизи эҳтиёжмандлар рўйхатидан чиқарилди. Шуларнинг ўзидек, бугунги прокуратура тизими ва фаолларининг амалий ишлари аққол намоён этиб турибди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, соҳада етук кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, тергов ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш тизими ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди, дейишга асосларимиз бор. Бунда, табиийки, Бош прокуратура академияси негизда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон прокуратураси ғоят шарафли ривожланиш йўлини босиб ўтиб, ҳуқуқни қўллаш соҳасида ўз мактабига, профессионал ходимлар корпусига эга тизим сифатида шаклланди.

Тадбирда тизимда эришилган ютуқлар эътирофи билан бирга, амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни қўллаб-қувватлаб, уларни қийнаётган муаммоларини ҳал этишда янада фаол бўламиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда қалий сульфат, коллоксилан, аммофос, моноаммоний фосфат каби импорт ўрнини тўлиқ босувчи кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Сульфат кислотаси ўшбу кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг асосий хомашёси ҳисобланади. Лекин сульфат кислотаси тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан етказиб берилишига қарамайдан, йилдан-йилга унга қўшимча талаб ортиб бораёпти. Шу муносабат билан кимё саноатида сульфат кислотаси ишлаб чиқаришнинг замонавий янги қувватларини ташкил этиш эҳтиёжи пайдо бўлди.

Муҳокама давомида фракция аъзоси Зумрад Бекатова мазкур қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида тўхталар экан, унинг заруратида алоҳида эътибор қаратди. Айрим нормалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаси ва таклифларини билдирди. Таъкидланганидек, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши кимё саноатида сульфат кислотаси

чи ва энг асосий вазифаси экани айтиб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан мамлакатимиз прокуратура органларидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, юртимизда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ошириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва сadoқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун орденом ва медаллар билан тақдирланган тизимнинг бир гуруҳ фаолларига юксак муқофотлар тантанали равишда топширилди.

Байрам тантанаси санъат усталари ижросидаги концерт дастури билан давом этди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева, Бош прокурор Н. Йўлдошев қатнашди.

бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар, аввало, инсон манфаатларига қаратилган. Тизим ходимлари ўшбу жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда, десам, адашмайман. Бугун МИБ фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси халқ фаровонлигини таъминлаш ва уларни рози қилишда муҳим ўрин тутди.

Берилган муқофотни шижоатимиз, салоҳиятимиз билан оқлаймиз, албатта.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ  
(«Халқ сўзи»).

Юнус БҲРИЕВ олган суратлар.

## Сенатор сўрови

## ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ЮРТИМИЗГА ҚАНДАЙ КИРИБ КЕЛМОҚДА?

Мамлакатимизда пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, республика ҳудудида олиб кириш, ташиш, сақлаш ва сотиш тақиқланган. Аммо шунга қарамай бу борада муайян муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Мисол учун, яқинда кенг нишонланган Янги йил байрамида юртимизнинг барча ҳудудида кузатилгани каби Тошкент шаҳрида ҳам пиротехника воситаларидан қўллаб-қўйиладиганига гувоҳ бўлдик. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг ҳақиқий эътирозини юзага келтираётди.

Шу каби ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис Сенатининг Мулоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, раиси Қутбиддин Бурҳонов Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси раисига сенатор сўровини юборди.

Мазкур сўровда пиротехника воситалари билан боғлиқ ҳолатлардан, айниқса, кексалар, беморлар, ёш болалар ва бошқа тоифадаги фуқароларнинг байрам кунлари тинчлиги бузилгани, бу ҳолат жимийимий тармоқларда кенг муҳокама этилиб, юртдошларимизнинг божхона органларига эътирозини баён қилинганга алоҳида урғу берилган. Айни чоғда унда божхона органлари томонидан пиротехника воситалари билан боғлиқ қўллаб-қўйиладиган бартараф этилгани ҳақида ОАВ орқали чиқишлар қилинган бўлса-да, Янги йил байрами кечаси бундай

чоралар қўйилган самарани бермаганини исботлагани таъкидланган.

Шулардан келиб чиқиб сенатор томонидан Божхона қўмитаси раисидан пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда юртимизга олиб кириш ва олиб чиқиш ёки ўтказиш билан боғлиқ салбий ҳолатлар нима сабабдан тўлиқ бартараф этилмаётгани ҳамда мазкур воситаларнинг ноқонуний айланишига қандай омиллар сабаб бўлаётгани юзасидан маълумот тақдим қилиш сўралган.

Шунингдек, қонунчиликда бу борада қандай бўлиқлар мавжудлиги, бундай қонунбузарликларни тўлиқ бартараф этиш бўйича божхона органлари томонидан тезкор равишда амалга ошириладиган чоралар ҳақида маълумот ҳамда Олий Мажлис Сенатига тегишли таклифлар бериш зарурлиги айтилган.

«Халқ сўзи».

## Қонунчилик палатаси фракцияларида

# ҚИЗГИН БАҲС-МУНОЗАРАЛАР АСОСИДА ЎТДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида йилнинг иккинчи ҳафтаси қизгин иш фаолияти билан бошланди. Сийёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари томонидан ўтказилган йиғилишларда аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини муҳофазалаш, судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мамлакат саноатини ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари муфассал қўриб чиқилди. Муҳокамадаги масалалар юзасидан мунозарали саволлар ўртага ташланди, асосли таклифлар илгари сурилди.

## Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳеч қим суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Бу бир неча йиллардан буюн жамиятимиздаги ўткир муаммолардан бирига айланган “снос” билан боғлиқ масалага нисбатан оқилона ечим бўлди. Асосийси, суд қарорисиз уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқидан маҳрум қилинмаслиги, шунингдек, иморат бузилишга тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматига мос равишда компенсация тўланиши шартлигининг белгиланиши “снос” деган муаммага бутунлай барҳам берди.

Таъкидланганидек, таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан ҳеч қим суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум қилинишига йўл қўйилмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ва у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши қафолатланиши белгиланмоқда.

Қизгин муҳокама ва савол-жавоблар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг зарурати ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Айрим нормалар бўйича асосли саволлар ўртага ташланди ва уларга қонун ташаббускорларидан атрафлича жавоблар олинди.

Депутатлар томонидан қўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

— Унда қасаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини негизда очилган дам олиш масканларини (дам олиш уйлари ва дам олиш зоналарини) мажбурий сертификатлаштириш талабидан ҳамда уларнинг ўшбу йўналишдаги хизматларни кўрсатишдан олган фойдасини маълум муддатга фойда солигидан озод этиш назарда тутилмоқда, — деди Қонунчилик палатаси депутаты Файрат Абдиев. — Мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши қасаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг йил давомида самарали фаолият юритишини таъминлаш, асосийси, йўлланмалар нархини барқарорлаштиришга йўл очди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.



қали хабардор этиш тартиби белгиланяпти. Чунки судларнинг маҳаллий Кенгашларга ахборот беришларида оид халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, судларнинг давлат ҳокимияти бошқа тармоқларидан мустақил бўлишини таъминлашга асосий эътибор қаратилгани аниқланди.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров қонун лойиҳасига муносабат билдирар экан, судьялар автоном эканини, уларнинг эркинлигини таъминлаш учун очик ҳисобот бериш мажбуриятидан халос қилиш лозимлигини таъкидлади.

Қуйи палата депутаты Жаҳонгир Шеринов бу фикрни қўллаб-қувватлаб, суд тизимининг бошқа ҳокимият органларига ҳисобот бериши конституциявий нормаларга зид эканини қайд этди.

Қонун ташаббускорларининг айтишича, таклиф қилинаётган ўзгартириш ва қўшимчалар суд ҳокимиятининг мустақиллигини тўлақонли таъминлаш қафолатини янада мустаҳкамлайди.

Депутатлар томонидан қўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Прекурсорларни ишлаб чиқариш жараёни такомиллаштирилиши муносабати би-

ишлаб чиқаришнинг замонавий янги қувватларини ташкил этиш орқали республикада сульфат кислотасига бўлган талабни қондиришга асос бўлади.

Қизгин савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

## Қатъий ҳуқуқий асос яратилмоқда

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Судлар мустақиллиги қафолатларини янада мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар қўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Маълум қилинганидек, мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил

ишлар олиб борилади. Ўшбу қонун лойиҳаси ҳам судлар мустақиллиги қафолатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Янги таҳрирдаги Конституцияда суд ҳокимиятининг мустақил ҳолда иш юритиши ва судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслигига оид конституциявий қафолатлар белгилаб қўйилгани суд фаолиятининг самарадорлигини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Таклиф қилинаётган қонун лойиҳасида судлар раисларининг маҳаллий Кенгашларга бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этиш ҳақидаги қоида бекор қилинаётганлиги муносабати билан судларга ҳар чоракда ўз фаолияти тўғрисида жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этиб бориш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўлақонли таъминлиниши учун қафолатлар янада мустаҳкамланади. Шу билан бирга, судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишининг олди олиниб, жамиятнинг судлар фаолияти тўғрисида мунтазам ахборот олиб бориши учун қатъий ҳуқуқий асос яратилади.

Қизгин муҳокама чоғида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан партия позициясидан келиб чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирди.

— Суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ўшбу даргоҳда қонун ва адолат устувор экани ишонч ҳосил қилиши керак, — деди Қонунчилик палатаси депутаты Иномжон Қудратов. — Охириги йилларда мамлакатимизда суд тизимини тубдан ислох этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан қўзланган пировард мақсад ҳам судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир. Зеро, Президентимиз айтганидек, судлар чин маънода адолат масканига айланиши учун судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш энг муҳим вазифадир. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса судьялар мустақиллигини ва пировардида самарали одил судловни янада ишончли таъминлашга замин вазифасини ўтайди.

## Болалар оромгоҳлари имкониятлари кенгайтирилади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди.

Мазкур ҳужжат билан қасаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари вақтда дам олиш масканлари сифатида фойдаланишини ташкил этиш ва бундан олинандиган даромадлари бўйича маълум бир муддатга фойда солигидан озод қилиниши белгиланмоқда. Бундан ташқари, оромгоҳларнинг мажбурий равишда сертификатлаштирилиши талаб этилмаслиги назарда тутилмоқда.

Депутатлар лойиҳа болалар соғломлаштириш оромгоҳларидаги шароитларни янада яхшилаш, келажагимиз бўлиши фарзандларимизнинг таътилни мазмунли ўтказиши, уларни соғломлаштириш ва ақлий ривожлантириш бўйича ва-

зифалар самарадорлигини оширишга хизмат қилишини эътироф этдилар. Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

Йиғилишда, шунингдек, “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Таклиф қилинаётган меъёрлар орқали Уй-жой кодекси ҳамда “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритилмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси муҳокама-сида унинг қабул қилиниши, биринчи навбатда, янги таҳрирдаги Конституциямизни сўзсиз амалга оширишга, хусусий мулкни ҳимоялаш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг таъминланишига хизмат қилишини таъкидлашди.

Назарда тутилаётган ўзгартиришга мувофиқ мулкдорларни суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойдан маҳрум этишга йўл қўйилмайдиган. Турли сабабларга қўра уй-жойидан маҳрум қилинган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган зарарнинг олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши қафолатланиши белгиланмоқда. Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

## Мулкдорлар манфаатлари қафолатланади

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасида сўнгги йилларда хусусий мулк ва унга бўлган ҳуқуқлар даҳлсизлигининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний ара-лашувини чеклашга доир тизимли ишлар амалга оширилаётганини эътироф этдилар.

Айтилганидек, қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари янги таҳрирдаги Конституциямизга мувофиқлаштирилмоқда. Жумладан, Уй-жой кодексида ҳеч қим суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойдан маҳрум қилинган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган зарарнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши лозимлиги, тураржойларнинг ташқи қўрилишини ўзгартириш, уларни қайта қуриш ёки бузиш шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши ҳақидаги нормалар мустаҳкамланмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга унинг ўрни белгиланган тартибда қопланиши орқали хусусий мулкни муҳофазалаш ва мулкдорлар ҳуқуқларини қафолатли таъминлашга асос бўлишини таъкидладилар.

Мунозаралар якунида уни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар берилиди ҳамда қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, қонун тартибидagi бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».



ҚОНУН ИЖРОСИДА ШАФФОФЛИК

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари томонидан ташкил этилаётган брифингларда кўмиталарнинг 2023 йилдаги фаолияти ҳақида ахборот берилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинмоқда.

Куйи палатанинг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси брифингида маълум қилинганидек, ҳисобот даврида аграр ва сув ҳўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини тараққий эттириш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер ислохотларини олиб бориш каби муҳим йўналишларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилди.

Ўтган даврда кўмита қонун ижодкорлиги йўналишида 11 қонун лойиҳаси учун масъул бўлган. Шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш ва унинг муҳофазаси, гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга

қаратилган 3 та яхлит қонун устида иш олиб борилди. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳар жиҳатдан пишиқ-пuxта бўлишида кўмита ишчи гуруҳлари фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳисобот даврида кўмита масъул бўлган қонун лойиҳалари муҳкамаси бўйича жами 54 та йиғилиш ўтказилган.

Шунингдек, қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ҳамда улар яқунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ахборотини эшитишга алоҳида эътибор қаратилди.

2023 йилда сайловчилар томонидан кўтарилаётган

масалалар ва жойларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ҳамда муаммоларга мутасаддилар эътиборини қаратган ҳолда ҳал этишга ҳам жиддий ёндашилди.

Бундан ташқари, “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида”ги, “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларнинг жойлардаги ижро этилиш ҳолати Фарғона, Тошкент, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ўрганилди.

Брифингда ортда қолган йил кўмита учун самарали ва натижаларга бой бўлган таъкидланди. Хусусан, кўмита ташаббуси билан Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қарши магистраль каналидан фойдаланиш бошқармаси ходимларига маҳаллий бюджетдан тўлаб келинаётган ойлик маош 2024 йилдан бошлаб республика бюджетидан тўлана-

диган бўлди. Бу орқали ҳодимларнинг иш ҳақи сезиларли оширилиши ва улар ижтимоий ҳимояси тўлиқ таъминланишига эришилган.

Шу билан бирга, ўтган даврда кўмита аъзолари томонидан мансабдор шахсларга сайловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 9 та депутат сўрови юборилган. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини ўз вақтида ўрганиш, уларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди, кўмита номига келиб тушган 300 та муурожаат белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, уларнинг салмоқли қисми ижобий ечим топди.

Ҳисобот даврида кўмита фаолияти оммавий ахборот воситаларида жами 1 556 мартаба ёритилган.

Брифингда кўмитанинг келгусидаги фаолияти ҳақида ҳам ахборот берилди.

Анқарада жаҳид боболаримиз меросига бағишланган конференция ўтказилди



Ж у м л а д а н , 2023 йил 11 декабрь кунин Тошкент шаҳрида “Жаҳидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва дав-

латчилик гоғлари” мавзусида илмий конференция юқори савияда ташкил қилингани ва унда турк дунёсининг етакчи олимла-

ри Туркистонда тараққий топган жаҳидчилик ҳаракати ҳақидаги ўз маърузалари билан қатнашгани қайд этилди.

Шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан жаҳид боболаримиз меросини тиклаш бўйича билдирилган ташаббусларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти турк зиёлиларига етказилди.

Маърифатпарвар боболаримиз гоғларини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича қарор қабул қилиниши ҳамда Бухоро шаҳрида Жа-

ҳидлар мероси давлат музейи очилиши алоҳида қайд этилди.

Ўз навбатида, Туркия вакиллари 2024 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда “Jadid” номли янги газета ташкил этилганини мамнуният билан қарши олдилар. Улар, шунингдек, буюк маърифатпарвар боболаримиз номи остида чоп қилинаётган ушбу газетани ўзларининг таҳлилий мақолалари билан қатнашиш истакларини ҳам билдирди.

«Дунё» АА. Анқара

МИРИШКОРЛИК СИНЧКОВЛИК ВА ПУХТАЛИК ДЕМАҚДИР

Юртимизда кейинги йилларда ердан унумли фойдаланиш, хусусан, аҳоли томорқасида илм-фан ютуқлари, инновацион янгилиқлар асосида деҳқончилик қилиш ҳамда даромад олиш жадал ривожланыпти. Бунинг самараси йилнинг тўрт фаслида ҳам бозорлардаги мўл-кўлчиликда намоён. Бу эса нарх-наво барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Изланиш

Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда ёппиқ майдондаги иссиқхоналарда ҳарорат ва намликнинг меъёрий даражадалигини ҳисобга олсак, бундай шароитда зараркунандалар ва касалликлар яхши ривожланиб, ўсимликлар зарар етказиши мумкин.

Фарғона вилоятида аҳоли томорқалари, фермер ва деҳқон ҳўжалиги иссиқхоналарида помидор, қалампир, ширин гармдор, бодиринг, баклажон, қулупна, цитрус мевалари баравж ривожланыпти. Шу сабабли иссиқхоналарда замбуруғли касалликларнинг ривожланишига шароит туғдирмаслик, фузариоз, фитоптороз, илдиш чирши, ун шудринг ва сохта ун шудринг каби бир қатор касалликларнинг олдини олиш муҳимдир.



— Бундай касалликларга намликнинг юқорилиги, кундузги ва тунги ҳарорат ўртасидаги тафовутларнинг қатталиги, меъёрида суғормаслик, бевақт озиклантириш, кимёвий ўғитлардан нотўғри фойдаланиш ва гигиена қоидаларига амал қилмаслик асосий сабаб бўлади, — дейди Фарғона вилояти Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси фитосанитария лабораторияси мудри Абдурауф Маҳмудов. — Мисол учун, биргина помидорнинг фазмоз (жигарранг чирши) касаллиги, яъни ҳосил бандининг чиршишига намликнинг ортиши, бакки томчларининг кўпайиши сабаб бўлади. Мева бандида жойлашган гулларга чакки томчилари тушган гуллари замбуруғлар орқали чирий бошлайди. Оқибатда гул-

барги атрофи чириб, мевалар тўкилади. Ҳолбуки, замбуруғли касалликнинг олдини олиш учун иссиқхоналарни тез-тез шамоллатиб туриш ва намликнинг ортисига йўл қўймаслик лозим.

Бугунги кунда лабораториямиз замонавий мезонлар асосида фаолият кўрсатиши учун барча қўлайлик яратилган бўлиб, кўчма лаборатория хизмати орқали мутахассисларимиз шаҳар-туманларда миришкорларга мўл ҳосил етиштиришда кўмаклашиб келмоқда. Мақсад — деҳқон бозорларини арзон ва сифатли, экологик тоза ноз-неъмат маҳсулотлари билан тўлдирилишига ҳисса қўиши.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Рақамли трансформация: КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Жаҳоннинг турли мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашиш йўналишидаги тадқиқотлар натижалари йилдан-йилга унинг сурьатлари ўзгариб, янгича ривожланиш босқичларини намоён этаётганидан далолат бераёттир. Мазкур тенденциянинг сақланиб қолиши жиноятларнинг янги кўринишлари шаклланишига туртки бўлмоқда.

Айнан рақамлаштиришнинг юқори сурьатларда ривожланиши таъсирида жиноятларнинг шакллари ва унинг усуллари замонавийлашиб, ахборот технологияларидан фойдаланиб шахсга ва унинг мулкига тажовуз қилишга қаратилган ҳуқуқбузарлиқлар кибержиноятчиликнинг содир этилишида асосий омил бўлиб хизмат қилляпти.

Долзарб мавзу

Шу сабабли ҳам ҳозирги вақтда бутун дунёда кибержиноятчиликка қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Кибержиноятларнинг турлари ва ушбу жиноятни содир этаётган шахсларнинг сони ортиб бораётганлиги янги таҳдидларнинг юзага келиши билан изоҳланилти.

Таҳлиллар ва статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, 2022 йилда кибержиноятлар ортидан келадиган йиллик глобал зарар 8,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2026 йилга бориб бу кўрсаткич 120 фоиз ўсиб, 20 трлн. АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, айрим манбаларда таъкидланишича, 2024 йилда кибержиноятлар глобал трансмиллий жиноятларнинг умумий сонидан кўра 5 баробар кўпроқ содир этилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, 2025 йилдан эътиборан, дунёда кибержиноятларга қарши курашувчи тузилмалар давлат ва ҳусусий серверлари, булутли маълумот марказлари, шахсий компьютер ва қурилмаларида сақланадиган жами 2 минг зеттабайтлик (2 трлн. терабайт) маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш лозим бўлади. Чунки кибержиноятчиликнинг авж олиши оқибатида исталган корхона-ташкilotнинг маълумотлар базалари киберҳужумга учраши эҳтимолини рад этиб бўлмайди. Шу сабабли бу борада мустахкам ҳимоя чораларини кўриш талаб этилади. Ўз навбатида, кибержиноятчиликка қарши курашишда ушбу турдаги жиноятларнинг латентлигини инобатга олиш керак бўлади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, кибержиноятларнинг латентлиги АҚШда 80 фоиз, Буюк Британияда — 85, Германияда — 75, Россияда 90 фоиздан юқори рақамларга бориб тақалади. Бу кибержиноятларнинг содир этилиши бўйича реал ҳолатлар статис-

тикаси бундан ҳам ўсувчан кўрсаткичларни ташкил қилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ҳамда статистик маълумотлар асосида ахборот-коммуникация технологияларининг кенг тарқалиши ва реал вақт режимида чексиз ахборот алмашинуви имкониятларининг ортиб бориши шароитида кибержиноятлар мураккаб трансмиллий юзамоғга айланиб бораётганлигини юзага келтираёттир. Бу эса кибермаконда хавфсиз муҳитни яратиш учун инновацион ёндашувлар асосида кибержиноятларга қарши курашиш усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилляпти.

Бугунги кунда жаҳонда илмий тадқиқотлар доирасида кибержиноятларнинг олдини олиш ва кибермаконда хавфсиз муҳитни яратиш учун турли ёндашув ҳамда услублар тақийл этилмоқда.

Хусусан, кибержиноятлари тергов қилиш фаолияти билан шуғулланувчи “Group-IB” компанияси президенти Иля Сачковнинг таъкидлашича, агар фойдаланувчи киберхавфсизлик қоидаларини билса, у кибермаконда доимо хавфсиз бўлади. “Group-IB” компанияси томонидан ўн йил давомида киберфирибгарлар шахсий маълумотларни ўзлаштирамаслигини назарда тутувчи махсус эслатмалар ишлаб чиқилди. Аммо бу эслатмаларнинг жамиятда жуда секин тарқалиши туфайли мазкур усул ўз самарасини бермаган.

Мазкур йўналишдаги етакчи тадқиқотчи У. Дизард ахборот жамиятининг рақамли трансформацияси шароитида бир қатор муаммолари масалаларни ҳал қилиш учун янги технологиялар тақдим этаётган имкониятлар доимо ҳисобга олинмиши ва уларга қарши курашиши керак бўлган потенциал хавфларни ўз ичига олиши лозимлигини тақийл қилган. Унинг фикрича, мазкур масала бўйича ривожланиш стратегияси маълум даражада техник ва иқтисодий қарорлар қабул қилиниши билан белгиланиши керак.

С. Эммерй, Е. Лефеве, Г. Жейкобс, В. Десмет каби олимлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган жазо чораларини қулайтириш орқали кибержиноятларнинг олдини олиш мумкинлиги таъкидланган.

Қолаверса, Т. Шелина, К. Итинсон, А. Киреева, В. Топоровский ва бошқалар томонидан кибержиноятларнинг олдини олиш муаммолари таълим жараёни субъектларининг рақамли саводхонлиги билан боғлиқлиги асослаб берилган. Улар ўз илмий ҳулосаларида кибержиноятларнинг олдини олишда рақамли таълим муҳити имкониятларидан самарали фойдаланишни, фан дастурларига “Киберхавфсизлик асослари” ўқув фанини барча ўқувчилар учун мажбурий фан сифатида киритишни тақийл қилганлар.

Кибержиноятларнинг олдини олиш бўйича илмий марказлар ва тадқиқот муассасалари билан бирга айрим ривожланган давлатларда етарлича стратегик усуллар ишлаб чиқилган.

“Таҳлиллар ва статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, 2022 йилда кибержиноятлар ортидан келадиган йиллик глобал зарар 8,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2026 йилга бориб бу кўрсаткич 120 фоиз ўсиб, 20 трлн. АҚШ долларига етиши прогноз қилинмоқда. Шунингдек, айрим манбаларда таъкидланишича, 2024 йилда кибержиноятлар глобал трансмиллий жиноятларнинг умумий сонидан кўра 5 баробар кўпроқ содир этилиши кутилмоқда.”

Хусусан, Сингапур, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Буюк Британия каби рақамли технологияларни жорий этиш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича илгор тажрибага эга давлатлар томонидан узоқ йиллик стратегик масалалар қўйилиб, бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган кибержиноятларнинг олдини олиш борасида айрим масалалар ечилгани кузатилган.

Шунингдек, мазкур йўналишлар ҳалқаро ташкilotлар, хусусан, НАТО томонидан ҳам глобал муаммолар сифатида қайд этилган. Ушбу муаммонинг аҳамияти блокнинг сўнгги йилларда қабул қилинган барча бошқарув ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, болаларнинг кибержиноятлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида ЮНИСЕФ томонидан ҳам бир нечта йирик лойиҳалар амалга оширилган.

Юқорида келтирилган долзарб ма-

салалар юзасидан жамиятнинг рақамли трансформацияси шароитида кибержиноятчиликнинг баравақт олдини олишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг кибержиноятларга қарши курашувчи бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган ва жорий этилган ўзига хос ечимларни кўриб чиқамиз.

Дастлаб етакчи илмий-тадқиқот муассасалари, илгор индекси рейтингларни юритувчи муассасалар томонидан бир неча давлатларда кибертахдидлардан жабрланган ва кибержиноят учун жавобгарликка тортилган, эҳтимолий кибержиноятлар қурбони бўлиши мумкин бўлган фуқаролар ҳамда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўртасида ўтказилган сўровономаларнинг якуний натижалари таҳлилдан ўтказилди.

Тадқиқотлар натижасига кўра дунё аҳолисининг аксарият қисми интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш хавфсизлигига амал қилмаётганликлари оқибатида кибержиноятлар-

даги викимонологик ҳусусиятнинг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги кузатилди.

Хусусан, Европа Иттифоқи Киберхавфсизлик агентлиги (ENISA) томонидан Европанинг 20 дан ортиқ давлатларида олиб борилган сўровономаларга кўра, иштирокчиларнинг 48,2 фоизи кибержиноятлар тузюгига тушиб қолмаслик бўйича дастлабки тушунчаларга эга эмаслиги маълум бўлган.

Бундан ташқари, Чехия Республикаси Кибернетика ва ахборот хавфсизлиги миллий бошқармаси олиб борган сўровларда эса иштирокчиларнинг 42 фоизи шахсий маълумотларни ҳимоялаш, интернет ва ижтимоий тармоқлардан хавфсиз фойдаланиш тартибини билмаслиги аниқланган.

БМТ Халқаро электралоқа иттифоқи томонидан тайёрланган “Халқаро киберхавфсизлик 2022 индекси” ҳисоботида 38 фоиз мобил қурилмалар фойдаланувчилари қурилмалар хавфсизли-

гини таъминлаш (суқилиб киришлар, номаълум контентларни блоклаш ва бошқа) кўникмаларга эга эмаслиги қайд этилган.

Ўтказилган сўров тадқиқотлари натижалари интернет ва ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиларининг аксарият қисми дастлабки киберхавфсизлик чораларини билмасликлари оқибатида кибержиноят жабрланувчиси бўлиш эҳтимоли мавжудлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан кўринадики, фуқароларни кибертахдидлардан барвақт огоҳлантириш, уларда киберхавфсизликнинг дастлабки аломатларига риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш кибержиноятчиликка қарши курашиш йўналишидаги энг долзарб вазифалардан бири эканлиги тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан мазкур вазифа самарали равишда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида республикада кибермакондан фол фойдаланиш лаёқатига эга 5 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча аҳолини қамраб олувчи “Уч қатламли комплекс тарғибот чора-тадбирларини олиб бориш механизми” ишлаб чиқилиб, тўлиқ жорий этилиши белгиланб олинди.

“Уч қатламли комплекс тарғибот чора-тадбирларини олиб бориш механизми” ишлаб чиқилиб, тўлиқ жорий этилиши белгиланб олинди.

“Тик-токер” ва блогерлар билан “#Мен кибержиноятга қаршиман” хештеги остида онлайн ҳамда офлайн тадбирлар, ҳафтаининг ҳар чоршанба кунини “Талабалар шахарча”сида “Кибергиена куни” этиб белгиланиб, “#CyberDay” хештеги остида тадбирлар, семинар ҳамда тренинглари уюштирилди. Ёшларни янги турдаги кибертахдидлардан огоҳлантириб борувчи қўланмаларга эга бўлган, кўп функцияли мобил илова ишлаб чиқилди.

Маҳалла фуқаролари билан ҳам мунтазам иш олиб борилди. Ҳоким ёрдамчиларини жалб қилган ҳолда кибержиноятчилик профилактикаси бўйича намунали маҳаллалар шакллантирилди, таъминотлар билан ҳам мунтазам иш олиб борилди. Ҳоким ёрдамчиларини жалб қилган ҳолда кибержиноятчилик профилактикаси бўйича намунали маҳаллалар шакллантирилди,

“Маҳалламизда кибержиноят бўлмайди” шиори остида тарғибот тадбирлари ташкиллаштирилди.

Профилактика инспекторлари фойдаланувчидаги планшетларга кибержиноятлар ва унга қарши курашиш бўйича электрон қўланмалар ўрнатилди. Пенсияерлар томонидан банк пластик карта рақамларини ва SMS-хабарномаларини бегона шахсларга бермаслик бўйича манзилли тарғиботлар олиб борилди.

Ана шундай тарғибот-тушунтириш тадбирлари корхона ҳамда ташкilotларнинг ишчи-хизматчилари ўртасида ҳам ўтказилиб, ташкilotларга киришда, кўпчилик тўпланадиган жойларда тарғибот материаллари жойлаштириб борилди.

Бундан ташқари, республиканинг барча ҳудудини ва аҳоли тўлиқ қамраб олинишига эришиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан кибертахдидларга оид муурожаатларни қабул қилиш ва киберхавфсизлик бўйича йўриқномалар бериб боришда қулай, тезкор ва мақбул бўлган қўшимча манбалар жорий этилди.

Бундай усуллар “кибермакон”да хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича тақийл этилган мутлақо янги ёндашув бўлиб, мазкур усул кибержиноятларга барвақт тўсиқ бўлишининг универсал ечимларини ўз ичига олиши билан ажраллиги туради.

Ўзбекистон Республикасида юқорида кўрсатилган “Уч қатламли комплекс тарғибот чора-тадбирларини олиб бориш механизми”нинг самарали йўлга қўйилиши натижасида кўплаб ютуқларга эришилмоқда.

Юқорида айтилган ёндашув бу йўналишда бир неча йил илмий ва амалий фаолият кўрсатаётган илмий тадқиқотчи ҳамда мутахассислар томонидан муаллифлик асосида ишлаб чиқилган бўлиб, амалиётга жорий қилиш жараёнида унинг юқори самарага эга эканлиги кузатилган.

Кибержиноятларнинг олдини олиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкilotларга мазкур усулдан фойдаланган ҳолда унинг бевосита ўзлаштирилиши ёки аналогларини ишлаб чиққан ҳолда амалиётга жорий қилиниши тавсия этилади.

Саидқамол СОДИҚОВ, Ички ишлар вазирлигининг Тезкор-қидирув департаменти Киберхавфсизлик маркази бошлиғи ўринбосари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).



14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

## МАЪМУРИЙ БИНО ВА ТУРАРЖОЙЛАР ҲОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Наманган вилоятининг Уйчи туманида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли взвод жамоаси Ватан ҳимоячилари куни арафасида курувчилардан муносиб тўхфа олди. Бу ерда янги маъмурий бино ҳамда ҳарбий хизматчилар учун бунёд этилган замонавий тураржой фойдаланишга топширилди.

Тантанали тadbир давомида янги хонадонларнинг қалитлари ўз эгаларига топширилди. Чегара қўшинларида хизмат бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари яратилаётган кенг имкониятлар, кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг рамзий лента қирқилиб, меҳмонлар бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

Эътиборлиси, шу куни мазкур ҳарбий қисм шахсий таркиби тўрт қаватли 36 хонадондан иборат тураржой биносидан ташқари, янги қурилган маъмурий бино, кинология бўлини маси, министaдион, омборхона ва бошқа қўшимча иншоотларни



ҳам қабул қилиб олди. Қайд этилганидек, замонавий хизмат хонадонлари офицер ҳамда сержантларнинг яшаш шароитини яхшилаши баробарида, министaдионнинг фойдаланишга топширилиши маҳаллий ёшлар учун айна муддао бўлди.

Қураётилла  
НАЖМИДИНОВ  
(«Халқ сўзи»).



## АСКАР ОНАЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Мустақиллик йилларида ўта мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтган мамлакатимиз Қуrolли Қучлари сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, демократик ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг ишончли қаfolати бўлмоқда. Ҳарбий хизмат ҳар бир йигит учун шон-шараф ишига айланди.

— Кўнглимиз тинчлиги, хотиржамлигимиз ҳарбийларимиз тўфайлидир, — дейди Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Малика Мамадиёрова. — Ватан ҳимояси йўлида ўз йигитлик бурчини ўташи эса нафақат фарзандларимиз, балки биз оналарнинг ҳам кўнглимизни тоғдек кўтаради. Зеро, ҳар бир ота-она учун ўз ўғлининг йигитлик давридаги синов, бу — Ватан ҳимоясидан деган шарафли номга эга бўлиш. Оналар учун эса бу катта бахт.

Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида “Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат қудрати, юксак гурур ва садоқат тимсолидир!” шиори остида “Аскар оналарини шарафлаймиз” мавзусидаги маъ-

навий-маърифий тadbирда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган аскарларнинг оналарига эҳтиром кўрсатилди. Она Ватанимизни, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш, уни ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилиш, эр йигитларнинг шарафли бурчи ҳақида сўз юритилди.

Тadbирда аскар оналари ҳамда уларнинг Сурхондарё вилоятида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган фарзандлари билан видеомулоқот уюштирилди. Ҳарбий қисм раҳбарияти мард ва жасур фарзанд вояга етказган навоийлик оналарга миннатдорлик изҳор этди.

«Халқ сўзи».

## КИТОБ ТАФАККУР ВА ТУЙҒУЛАРНИ ЧАРХЛАЙДИ

Президентимиз раислигида ўтган йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши тарихий воқеа бўлди. Айтиш жоиз бўлса, унда белгиланган вазифалар доирасида янги Ўзбекистонда маънавият соҳасида ўзига хос босқич — ривожланиш даврига қадам қўйилди. Давлат раҳбарининг “Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”, деган сўзлари ўзини шу юртининг фарзанди, деб билган ҳар бир зиёлининг шиори, фаолият дастури бўлишини алоҳида таъкидлаш лозим.

### Нуктаи назар

Маънавият соҳасида ўзига хос ислохотларни амалга ошириш бугунги куннинг муҳим талаби эканини барчамиз тушуниб етмоқдамиз. Айна жиҳатларини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари кенгаши йиғилишида 9 та йўналишда ўз фикрларини билдириб, муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, жамиятимизда китобхонлик маданиятини ошириш бўйича бошланган ишлар давом эттирилиши борасида аниқ вазифалар белгиланган бериладиган барчамизни мамнун қилди. Бу борада “Ёшлар учун — минг китоб” лойиҳаси доирасида жорий йилдан бошлаб фарзандларимизга рағбат берадиган энг машҳур илмий-оммабоп китобларни ўзбек тилига ўтириш, мактаб ва кутубхоналарга бепул тарқатиш йўлга қўйиладиган бўлди. Буюк алломаларимизнинг ёшлиги ҳақида китоблар ёзиш, ёзганда ҳам болаларбоп тарзда ёзиш кераклиги таъкидлангани ҳам ёш авлод маънавий оламини бойитишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу ишларни рағбатлантириш, янги босқичга олиб

чиқиш учун эса бу йил мамлакатимизда Халқаро болалар адабиёти кўргазмаси ташкил этилади.

Дарҳақиқат, ёшларнинг бахту камоли, осойишта ва фаровон ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ўндайди. Шу боис мамлакатимизда китобхонлики ривожлантириш, зиё масканларини ривожлантириш, зиё масканларининг фаолият бошлаши учун қарийб 3 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Бу борада сўнгги беш йилда миллий адабиётимиз даргалари Амирий, Чархий, Ҳазиний, Ҳувайдо, Увайсий, Анвар Обиджон, Мухтарам Улуғова каби 70 нафар ижодкорининг девон ҳамда сайланма асар-

лари чоп этилди. Шу билан бирга, фарғоналик 21 нафар ёш ижодкорнинг илк китоби нашр қилинди. Бунинг учун маҳаллий бюджет ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан 620 млн. сўм маблағ ажратилди.

Бағдод туманида 2023 йилда уч қаватли замонавий янги кутубхона қуриб битказилди. Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази 12 млрд. сўм маблағ эвазига тўлиқ реконструкция қилинган. Вилоятнинг барча шаҳар-туманлари бўйлаб маҳаллаларда аҳоли гавжум жойларга қарийб 33 минг дона адабиёт жойлаштирилган 582 та электрон кутубхона баннери ўрнатилди.

Китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини янада юксалтириш мақсадида вилоятда 869 та “Зиё маскани” китоб дўкони ҳамда 134 та “Book safe” фаолияти йўлга қўйилди. Мактаб кутубхоналари фондини бойитиш учун 2022 йили 9,5 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлса, 2023 йили ушбу кўрсаткич 12,3 млрд. сўмга етди.

Умуман олганда, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида мутлоа маданиятини янада оширишда кутубхоналарнинг ўрни бекиёс. Шу сабабли, вилоятнинг ҳар бир шаҳар-туманидаги ахборот-кутубхона фондларини бойитиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилади. Натижада 1 млрд. 476 млн. сўм маблағ эвазига 44 минг 553 нуска китоб сотиб олинishiга эришилди. Айна жараёнда биргина Данғара тумани

ахборот-кутубхона маркази фондини янги адабиётлар билан бойитиш учун вилоят ҳокими фармонийишга кўра, 10 минг нуска адабиёт харид қилишга 429 млн. сўм маблағ ажратилди.

Бугун кутубхона — дўстона мулоқот, таълим ва тарбия масканига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун вилоят кутубхоналарида доимий равишда китоб ва мутлоани тарғиб қилувчи турли тadbирлар — кўргазмалар, бадий кечалар, машҳур ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиб бориш яхши анъананага айланган. Эзгу ташаббуслар доирасида маҳаллий ҳокимликлар, ахборот-кутубхона марказлари, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳа ва акциялар ўтказиб келинмоқда. Биргина 2022 йил давомида бу борада 100 дан ортиқ янги лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, 2023 йили лойиҳалар сифат ва салмоқ жиҳатдан янада кенгайishiга эришилди.

Вилоятда ҳар бир ахборот-кутубхона маркази виртуал оламда ҳам ўз саҳифасига эга бўлиб, “Telegram”, “Facebook”, “Instagram” ижтимоий тармоқларида китобхонлар билан мунтазам равишда онлайн мулоқотлар ўтказиб борилади. “Ёшлар учун — минг китоб” лойиҳаси доирасида жорий йилдан бошлаб китобхонлики замонавий мезонлар асосида ривожлантириш, хусусан, ижтимоий тармоқлар имкониятларидан унумли фойдаланиш борасида алоҳида

чора-тadbирлар режаси ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда.

Янги авлодни ўз вақтида китобхонлиққа қизиқтириш мақсадида ҳам эзгу мақсадлар кўзда тутилган бўлиб, яқин истиқболда ушбу йўналишда Фарғонада ўзига хос тажриба мактаби яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бунинг учун эса, энг аввало, шаҳар-созлик меъморчилиги анъаналари асосида болалар кутубхонаси барпо этиш мақсад қилинган. Ҳозирда бу борадаги миллий ва халқаро тажрибани ўрганиш ишлари олиб борилаётган.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари томонидан мазкур йиғилишда билдирилган ва илгари сурилган фикрлар, эзгу ташаббуслар муштарак мақсадлар ижобати йўлида ҳар биримиз учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Яқин истиқболда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларга янги руҳ, ғайрат-шижоат бахш этади. Зиёлилар, ҳар бир оила ва инсонни эзгу гуя ҳамда мақсадлар атрофида жипслаштиради.

Демак, яратувчанлик ва бунёдкорликнинг улуг қудрати маънавият соҳасидаги янгиланишлар жараёнида ҳам яққол намоён бўлишини таъминлаш учун режа-мақсадлар аниқ. Ўзаро аҳил ва ҳамжиҳат бўлсақ, хайри ташаббуслар, орзулар албатта, амалга ошади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,  
Республика Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилояти бўлими раҳбари.

### Қулайлик

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАДА

Янги йилнинг дастлабки кунлари Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Эски қалъа маҳалласида яшовчи ёш оилалар учун қувончли кечмоқда. Бу бир жиҳатдан ҳудудда бўш турган бинонинг обдан таъмирланиб, мактабга таълим ташкилотига айлантирилгани билан боғлиқ.

Буни алоҳида таъкидлашимиз бежиз эмас. Юртимиздаги барча ота-оналар сингари бу ерда истиқомат қилувчилар ҳам фарзандларининг замонавий шарт-шароитларда таълим-тарбия олишларини исташади.

Шу маънода, вилоятнинг энг чекка гўшаларидан саналган бу манзилда 46-давлат мактабга таълим ташкилотининг кўркам бинода иш бошлагани айна муддао бўлди. 180 ўринли мазкур муассасада болажонларнинг мириқиб дам олиши, машғулотлар ўтказиши, овқатланиши, дунёқарабини кенгайтириши учун барча қулайлик яратилган. Туманда шу каби янги таълим муассасаларининг ишга тушиши ортидан 3 — 7 ёшли ўғил-қизларни боғчаларга қамраб олиш қамрови 83 фоизга етди.

Умуман, вилоятда мактабга таълим йўналишида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани ўз самарасини бермай қолмапти. Айна дамба келиб, мактабга таълим ташкилотлари сони 2015 тага етиб, уларга салкам 153 минг нафар бола қамраб олинди. Бу борадаги кўрсаткич 2022 йилдагига нисбатан 8,2 фоизга ошди.

### Ғамхўрлик

## «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР БЕПУЛ ДАВОЛАНМОҚДА

Бухоро вилоятидаги “Жўйзар” ихтисослаштирилган реабилитация ва соғломлаштириш илмий-тадқиқот марказида “аёллар дафтари”да турувчиларнинг дастлабки гуруҳи қабул қилинди.



Хусусан, Фиждувон, Жондор, Бухоро туманлари ва Бухоро шаҳрида яшовчи 30 нафар аёл табибий текширувлар, шунингдек, тор доирадаги мутахассислар қўригидан ўтиб, физиотерапевтик ва реабилитация муолажалари олишни бошлади.

— Баҳаво гўшада жойлашган ушбу маскан юрак-қон томир, ҳаракат-таянч тизими, неврологик ва ошқозон-ичак касалликларини даволашга ихтисослаштирилган, — дейди вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси матбуот хизмати раҳбари Меҳринисо Хусаинова. — Шу боис “аёллар дафтари”га киритилган, даволанишга муҳтож ёки қарамоғида ногиронлиги бор фарзанди бўлган 90 нафар аёл-синглимизни айна шун ерда соғломлаштириш чора-тadbирлари белгиланди. Шу мақсадда Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасидан маблағ ажратилди.

Айна чоғда, бошқарма томонидан бу ерда муолажа олаётганлар учун турли маданий-маърифий тadbирлар ўтказилмоқда. Чунончи, уйда ўтириб даромад топиш мумкин бўлган касб-ҳунарлар ҳақида маълумот берилиб, шундай юмушлар билан банд аёллар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси, маҳорат сабоқлари уюштирилди, психологик тренинг ўтказилди.

Ушбу хайрли ишлар давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида амалга оширилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ  
(«Халқ сўзи»).

## ҚАЛБ ҚЎРИ, МЕҲР-МУҲАББАТ МАҲСУЛИ

Тош ва ёғочга ишлов бериш кишидан катта маҳорат ҳамда матонатни талаб этади. Шу боис қўл меҳнати билан тайёрланадиган маҳсулотларнинг ҳамон қадри баланд. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу ҳунар шарофатидан моҳир дурадгорлар қўлида ёғочга “жон” кириши рост.

### Орамиздаги одамлар

Асли Кармананин Хазорасидан бўлган Маъмур Жабборов шундай ҳамюртларимиздан бири бўлиб, бугун Навоий шаҳрининг Зарафшон маҳалласида истиқомат қилади.

Икки йил бурун нафақага чиққан Маъмур ака болалиқдан қон-қонига сингиб кетган касбидан кўнгил узолмайди. Набираларига ушбу ҳунар сир-асорини ўргатиш баҳонасида маҳалласининг у ёки бу ҳудудларига зеб беради. Ўрни

кўп қаватли уйлар атрофидаги бе-заклар, болалар ўйин майдончаларидаги ёғоч ишланмалар, маиший чиқиндиларни тўплаш учун идишлар, қушлар инлари, катта-кичи бежирим гултуваклар, икки қаватли нашкинкор сўри шулар жумласидан.

Уста мазкур буюмлар учун ёғочни сотиб олмаган. Аввалига сайр баҳона шаҳар айланиб, дарахтларнинг қуриган ва қари шохларини кесиб олган бўлса, кейин-

чалик маҳалладошлари Маъмур ака яратётган гўзаллиқни кўриб, қуришдан ортган ёғоч ва тахталарни унга келтириб бера бошлади.

Математик аниқ-хисоб, геометрик мувозанат ва ботаник билим туйғайли бу ёғочлардан дераза ромларидан тортиб, лавҳ, қаламдон, қутича, лаган ва бошқа нашкинкор эсдалик буюмлари ясалиб, уларнинг ўзларига қайтарилди. Шу тахлит устани миҳозлар билан боғловчи занжир яратилди.

— Бирор буюм тайёр ҳолга келгунча ёғоч бир неча мураккаб ишлов босқичларидан ўтади, — дейди М. Жабборов. — Ёғоч ўймакорлиги санъатида қайрағоч, арча, ёнғок, тут, ўрик, чинор, тол, терак дарахтлари ёғочидан кўпроқ фойдаланилади. Чунки уларнинг таркибида елим кўп — тезда чиримай-

ди, ёғоч ҳам ишловбоп. Айнқса, ёнғок ёғочи сувга, турли об-ҳаво шароитига чидамлилиги сабаб узоқ йиллар хизмат қилади. Одатда, тахрибали усталар ишлов бериш учун қуёшли жойда ўсган ва камбўтоқли дарахтни танлашади. Бутоғи катта ёғочлардан тайёрланган буюмлар эса йиллар ўтиб ёрилиши мумкин.

Маҳаллада бўлган киши уста яратган гўзаллиқдан хайратга тушар экан, беихтиёр унинг даромади билан ҳам қизиқиши табиий. Лекин асосийси, ҳунарни санъат даражасига кўтарган устанинг нияти маҳалладаги бошқа хонадон соҳибларига ибрат бўлиб, кишилар қалбига эзгулик нақшини уяётганлигини унутмаслик лозим.

Темур ЭШБОЕВ  
(«Халқ сўзи»).



### Халқ сўзи

### Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 736 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатий маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-55.



Тахриратта келган қўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

### • МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.

Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА якуни — 21.15

Топширилди — 00.30

1 2 3 4 5 6